

ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА ЗАРДОБЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.04/30.09.2022.Far.134.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА ЗАРДОБЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ

ЭШМУРАТОВ ЗАЙНИДДИН НОРБОЕВИЧ

*SILYBUM MARIANUM L.* АСОСИДА ГЕПАТОПРОТЕКТОР БИОФАОЛ  
ҚЎШИМЧА ТАРКИБИНИ ТАНЛАШ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ

15.00.01 – дори технологияси

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2025

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Эшмуратов Зайниддин Норбоевич**

*Silybum marianum L.* асосида гепатопротектор биофаол кўшимча таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқиш.....3

**Эшмуратов Зайниддин Норбоевич**

Подбор состава и разработка технологии гепатопротекторной биоактивной добавки на основе *Silybum marianum L.*.....21

**Эшмуратов Зайниддин Норбоевич**

*Silybum marianum L.* based on hepatoprotector selection and technology development of biofaol additive composition .....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....42

ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА ЗАРДОБЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.04/30.09.2022.Far.134.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА ЗАРДОБЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ

ЭШМУРАТОВ ЗАЙНИДДИН НОРБОЕВИЧ

*SILYBUM MARIANUM L.* АСОСИДА ГЕПАТОПРОТЕКТОР БИОФАОЛ  
ҚЎШИМЧА ТАРКИБИНИ ТАНЛАШ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ

15.00.01 – дори технологияси

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.PhD/Fag106 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.toshvziti.uz](http://www.toshvziti.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталига ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Камилов Хусан Маъсудович

фармацевтика фанлари доктори, профессор

Расмий ошмонетлар:

Халилов Рашидшоқ Мурадҷонович

техника фанлари доктори, стакчи илмий ходим

Зуфирова Ёулфия Ахрор кизи

фармацевтика фанлари доктори, доцент

Ўтказиш ташкилот:

Академик А.Сулғонов номидаги Ўзбекистон кимё ва фармацевтика илмий-тадқиқот институти

Диссертация химояси Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Dsc.04/30.09.2022.Fag.134.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «30» сентябр соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Чингиз Айтматов кўчаси, 1<sup>а</sup>-уй. Тел.: (+99871) 234-77-97; факс: (+99871) 234-59-87; e-mail: [tashrivs@umail.uz](mailto:tashrivs@umail.uz))

Диссертация билан Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Чингиз Айтматов кўчаси, 1<sup>а</sup>-уй. Тел.: (+99871) 234-77-97.

Диссертация автореферати 2025 йил «15» сентябр кунни тарқатилди.

(2025 йил «15» сентябр даги 5 рақамли реестр баённомаси).



У.Х.Усмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, ф.ф.д., профессор

А.А.Ашуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н., катта илмий ходим

Х.Р.Тухтаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фарм ф.д., профессор

## КИРИШ (ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯ АННОТАЦИЯСИ)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра ер юзи аҳолисининг 3,5 фоизи жигарнинг цирроз, гепатит ва ёғ дистрофияси билан жабр чекадилар. Алкоголь, турли дори-дармонларни бетартиб истеъмол қилиш, тўғри овқатланмаслик, атроф-муҳитдаги салбий экологик вазият ва бошқалар натижасида инсон жигарида турли хасталиклар юзага келади ва улар ўз навбатида самарали даволаш ва профилактика усуллари талаб қилади. Гепатопротектор препаратлар жигар функцияларини сақлаб қолиш ва унинг таркибий ва метаболик бузилишларини тиклайди.

Жаҳонда ўсимликлардан олинган табиий воситаларга бўлган қизиқишнинг ортиши фонида улардан гепатопротектор таъсирга эга янги дори воситаларини ва биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунини таъкидлаш лозимки, гепатопротектор фаолликка эга бўлган, шифобахш ўсимлик *Silybum marianum L.* уруғлари узок вақтдан бери анъанавий тиббиётда қўлланилиб келинмоқда ва сезиларли гепатопротектор хусусиятларга эга бўлган флаволигнанлар мажмуаси - силимарин эканлигига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда фармацевтика саноатини ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи, экспорт қилишга мўлжалланган шифобахш ўсимликлардан жигар хасталикларини даволашда қўлланиладиган юқори самарали дори воситаларини инновацион технологиялар асосида ишлаб чиқиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг учинчи йўналишида «Фармацевтика саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробарга кўпайтириш ва маҳаллий бозорни таъминлаш даражасини 80 фоизга етказиш»<sup>1</sup> каби долзарб вазифалар белгилаб берилган. Бу борада доривор ўсимликлар плантацияларини барпо этиш орқали хомашё базасининг кўпайишига эришиш, фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, янги самарали фитопрепаратларнинг инновацион технологияларини ишлаб чиқиш, фаоллиги юқори, безарар, қабул қилишга қулай дори воситаларини ва биологик фаол қўшимчаларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>1</sup>ги, 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сон «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>2</sup>ги қарорлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сон «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори [www.lex.uz].

<sup>2</sup> 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сон «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори [www.lex.uz].

ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>3</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сон «2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>4</sup>ги фармони ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармокология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада жигар хасталикларидан ишлатиладиган юқори терапевтик самарадорликка эга дори шаклларида технологияларини ишлаб чиқиш ва уларнинг сифатини белгилаш, терапевтик фаоллигини аниқлаш, турғунлигини таъминлаш бўйича академик С.И. Искандаров, профессор Х.Х. Холматов, академик Ш.Ш. Сагдуллаев, профессор Х.М.Комилов, профессор Х.М. Камилов, профессор Ф.Ф. Ўрманова каби мамлакатимиз олимлари тадқиқотлар олиб боришган.

*Silybum marianum L.* ўсимлиги таркибидаги флаволигнанлар таркибини аниқлаш, улар асосидаги дори шаклларида стандартлаш ва таҳлил қилиш, ҳамда янги дори шакллари яратиш устида дунё микёсида бир қатор олимлар, жумладан В.А.Куркин, Г.Г. Запесочная, Ф.Квасника, В.В.Беликов, Н.Раҳман, Г.Титтел, Б.Риклинг, Д.В.Росихин, Е.А.Батаков, Л.В. Крепкива кабиларнинг амалга оширган тадқиқотлари диққатга сазовор. Бу ўсимлик хомашёсидан жигар хасталигини даволаш ва профилактикаси йўналишида кўплаб дори воситалари ва БФҚ ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш, *Silybum marianum L.* ўсимлиги уруғларидан турли шакллардаги дори воситаларни технологиясини яратиш, стандартлаш, фармакотерпаевтик фаоллигини аниқлаш бўйича К.И. Эллер, Т.А.Соколская, Е.В.Ахтемиров, Л.Т.Бондаренко каби олимларнинг илмий тадқиқотлари эътиборга лойиқ.

Мазкур диссертация иши кушқўнмас доривор ўсимлиги (*Silybum marianum L.*), қора мурч (*piper nigrum*) қуруқ экстракти ҳамда майдаланган ўсимликлар Арпабодиён (*Anis*), Зарчава – (*Curcuma longa L.*) асосида гепатопротектор таъсирга эга БФҚлар таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқиш бўйича биринчи илмий изланиш ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент вакцина ва зардоблар илмий тадқиқот институтининг “Маҳаллий доривор ўсимликлар, микроорганизмлар ва хайвон

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПК-4670-сон «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори [www.lex.uz].

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сон «2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» фармони [www.lex.uz].

махсулотлари асосида дори воситалари, биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқариш технологияларини яратиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** маҳаллийлаштирилган *Silybum marianum L.* ўсимлиги уруғи ва қора мурчдан қуруқ экстрактлар ажратиб олиш ҳамда майдаланган доривор ўсимликлар зарчава, оддий арпабодиён аралашмаси асосида капсула ва фиточой шаклидаги биологик фаол қўшимчалар таркиби ва технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:**

маҳаллийлаштирилган *Silybum marianum L.* ўсимлиги уруғидан олинган қуруқ экстракт асосида капсула шакли учун аниқ олинган таркибни танлаш ва технологиясини ишлаб чиқиш;

маҳаллийлаштирилган *Silybum marianum L.* ўсимлиги ер устки қисмидан ва майдаланган доривор ўсимлик хом ашёлари асосида фиточой технологиясини ишлаб чиқиш;

Таклиф этилаётган капсула ва фиточой биологик фаол қўшимчаларининг сақлаш шароитлари ва яроқлилик муддатларини белгилаш;

Гепатопротектор хоссали капсула ва фиточой биологик фаол қўшимчаларига Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси орқали Технологик йўриқномани тасдиқлаш учун тақдим этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида доривор ўсимликлардан *Silybum marianum L.* ўсимлиги уруғи ва қора мурч (*piper nigrum*) қуруқ экстрактлари ҳамда майдаланган ўсимликлар Арпабодиён (*Anis*), Зарчава – (*Curcuma longa L.*) танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** маҳаллийлаштирилган *Silybum marianum L.* ўсимлиги уруғидан гепатопротектор таъсирга эга биофаол қўшимчаларнинг қабул қилишга қулай капсула ҳамда фиточой шакллариининг таркиби, технологияларини ишлаб чиқиш, сифат меъёрларини аниқлаш, сақлаш шароити, яроқлилик муддатларини белгилаш ва тиббиёт амалиётига тадбиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларни олиб боришда замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари, жумладан юпка қатлам хроматографияси (ЮҚХ), юкори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ), спектрофотометрия (СФ), технологик, биофармацевтик усуллардан, ҳамда математик-статистик қайта ишлашда ва математик моделлаштиришда қўлланиладиган компьютер дастурларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор маҳаллийлаштирилган *Silybum marianum L.* ўсимлиги уруғи экстракти, майдаланган арпабодиён, зарчава ҳамда қора мурч экстракти асосида гепатопротектор таъсирга эга биофаол қўшимчаниннг илмий асосланган капсула таркиби ишлаб чиқилган;

*Silybum marianum L.* ўсимлиги уруғидан олинган қуруқ экстракт асосида мураккаб таркибли капсуланиннг сифат меъёрлари ва технологияси ишлаб

чиқилган;

*Silybum marianum L.* ўсимлиги уруғидан олинган курук экстракт асосида гепатопротектор таъсирга эга мураккаб таркибли капсулани сифат меъёрларини таъминловчи ишлаб чиқариш технологик шароитлари илмий асосланган;

илк бор маҳаллийлаштирилган *Silybum marianum L.* ўсимлигидан гепатопротектор фаолликга эга бўлган мураккаб таркибли фиточойнинг оптимал таркиби ва технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

*Silybum marianum L.* ўсимлиги уруғи экстракти, қора мурч экстрактлари аралашмасининг гепатопротектор таъсири ва беззарарлиги клиник олди тадқиқотлар натижасида исботланган;

Ишлаб чиқилган “ГЕРО НИИВС” капсула ва “ГЕРО НИИВС” фиточой биологик фаол қўшимчаларининг сақланиш шароитлари табиий усулда аниқланган, яроқлилик муддатлари асосланган;

Таклиф этилаётган “ГЕРО НИИВС” капсула ҳамда “ГЕРО НИИВС” фиточой биологик фаол қўшимчаларини амалиётда қўллаш учун меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда олинган натижалар замонавий математик статистика таҳлил усуллари ва физик-кимёвий, технологик, биофармацевтик, фармокологик текширувлар асосида тасдиқланган ҳамда ўтказилган тадқиқотлар ишлаб чиқариш жараёнида апробация қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллийлаштирилган *Silybum marianum L.* ўсимлиги уруғидан олинган курук экстракт асосида гепатопротектор таъсирга эга капсула ва фитачой шаклидаги биологик фаол қўшимчаларининг муайян таркиби танланганлиги, мўътадил технологияси таклиф этилганлиги, ҳамда уларнинг сифатини таъминлайдиган мезонлар белгиланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «ГЕРО НИИВС» капсуласи ва «ГЕРО НИИВС» фиточойи биологик фаол қўшимчалари учун Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институтида меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги билан изоҳланади. Бу эса гепатопротектор таъсирга эга биологик фаол қўшимчаларни маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилиши, ҳамда хориждан импорт қилинаётганларининг ҳажмини камайтиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Гепатопротектор таъсирга эга бўлган ўсимликлардан биологик фаол қўшимча яратиш бўйича олинган натижалар асосида:

«ГЕРО НИИВС» капсула биологик фаол қўшимчаси учун технологик йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан тасдиқланган (ТИ 018979371-009:2024). Натижада, капсула шаклидаги биологик фаол

кўшимчани саноат миқёсида ишлаб чиқариш имконини берган;

«GEPO НИИВС» фиточой биологик фаол кўшимчаси учун технологик йўриқнома Ўзбекистон Республикаси ССВ хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан тасдиқланган (ТИ 018979371-010:2024). Натижада, гепатопротектор таъсирга эга биологик фаол кўшимчалар ассортиментини кенгайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги ОАКнинг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ишининг ҳажми 113 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Гепатопротектор хоссага эга доривор ўсимликлар асосида ишлаб чиқиладиган препаратлар технологиясига доир масалалар”** деб номланган биринчи бобида таркибида гепатопротектор фаолликга эга бўлган биофаол моддалар сақловчи ўсимликлар ва жигар касаллигида ишлатиладиган ўсимлик хомашёсидан олинган препаратлар ҳақида маълумотлар, Ўзбекистон Республикасида кайд этилган гепатопротектор дори воситалари ассортимент кенглигининг ўзгариш динамикаси ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, экстракция жараёни ва унга таъсир этувчи омиллар таърифи, доривор ўсимлик хомашёсидан олинган капсула шаклидаги дори воситалари технологияси тўғрисидаги маълумотлар ҳам кенг ёритилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотларда қўлланилган материаллар ва усуллар”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотни олиб боришда фойдаланилган хомашё ва материаллар, тадқиқот давомида фойдаланилган ёрдамчи моддалар тавсифи, қуруқ экстракт олишда қўлланилган усуллар, намуналарнинг технологик хоссалари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Шунингдек, намуналарнинг сон кўрсаткичларини ўрганиш, уларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини аниқлаш, фиточойда флавоноидлар йиғиндисини миқдорий аниқлаш усули, фиточойлар таркибидаги умумий кул миқдорини аниқлаш, хомашёнинг сув шимиш коэффицентини аниқлаш, намуналарнинг турғунлигини табиий эскириш усулида ўрганиш усуллар ёритилган.

Диссертациянинг “*Silybum marianum L.* ўсимлик уруғларидан курук экстракт олиш технологиясини ишлаб чиқиш” номли учинчи бобида *Silybum marianum L.* ўсимлиги уруғидан курук экстракт олиш технологияси ишлаб чиқиш шароитлари ёритилган.

“*Silybum marianum L.* уруғларидан курук экстракт олиш учун Тошкент вилояти Бўстонлик туманида етиштирилган *Silybum marianum L.* ўсимлик уруғлари намуна сифатида олинди. Ўсимлик уруғлари, кўп миқдорда мой саклагани учун курук экстракт олишдан аввал уларни ёғсизлантириш учун органик эритувчи гексан, билан экстракция қилинди.

*Silybum marianum L.* ўсимлик уруғлари эритувчи билан контакт юзасини ошириш учун 0,5-1 мм фракциягача майдаланди. Кейинги ишлов бериш учун 100 г хомашё тортилди. Ёғларни ажратиб олиш самарадорлигини ошириш учун хомашё Сокслет ускунасига солинди. Эритувчи 1:5 нисбатда қўшилди (гидромодуль). Экстракция 50-55°C ҳароратда 4 соат давомида олиб борилди. Ёғсизлантириш жараёнида уруғ таркибидаги 15% гача ёғ ажратилди.

Экстракциядан олдин ва кейин ёғлар миқдорини ўлчаш натижалари 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал

#### Ёғсизлантириш натижалари

Параметр	Экстракциядан олдинги қиймат	Экстракциядан кейинги қиймат	Фарқи
Хомашё массаси, г	100±0,02 г	83,76±0,02 г	15,16±0,01 г

1-жадвалда келтирилган натижаларга кўра дастлабки 100 г хомашё ёғсизлантирилгандан кейин тахминан 15 г гача камайганини кўрсатди.

Хомашё ёғсизлантирилганидан сўнг курук экстракт олиш учун этил спирти концентрациясининг турли 90%, 70%, 50% эритмалари билан тажрибалар олиб борилди (2-жадвал).

2-жадвал натижалари *Silybum marianum L.* хомашёсидан экстрактив моддалар 70% ли этил спиртида ажралиб чиқиши юқори бўлганини кўрсатди.

2 – жадвал

***Silybum marianum L.* хомашёсини мацерация усулида экстракция қилинганда экстрактив моддаларни ажралиб чиқишига экстрагентнинг таъсирини ўрганиш натижалари**

№	Этил спирти концентрацияси, %	Хомашё массасига нисбатан экстрактив моддаларнинг чиқиш унуми, %	Хомашёдаги флаволигнанларнинг чиқиш унуми, %
1	50	9,33 ± 0,02	81,85 ± 0,06
2	70	10,81 ± 0,11	93,84 ± 0,12
3	90	9,82 ± 0,08	88,01 ± 0,14

Курук экстракт олишда кейинги босқичда мацерация усулида экстракциялаш вақтининг экстрактив моддаларнинг чиқиш унумига таъсири ўрганилиб, 3 соатда экстрактив моддаларнинг чиқиш унуми  $9,22 \pm 0,15\%$ , 5 соатда  **$10,73 \pm 0,11\%$** , 7 соатда  $9,91 \pm 0,08\%$  натижаларни кўрсатди.

Экстрактив моддаларнинг энг юқори чиқиш унумига 5 соатлик экстракциядан кейин эришилди. Шунинг учун мацерация усулида экстрактив моддаларнинг чиқиш унумига гидромодуль (хомашё ҳамда ажратувчи нисбати)нинг таъсири тажрибаларда ўрганилди ва олинган натижалар 3-жадвалда келтирилди.

3- жадвал

### Хомашё ҳамда ажратувчининг экстракция жараёнига таъсири

№	Гидро модуль	Хомашё массасига нисбатан, экстрактив моддаларнинг чиқиш унуми, %	Заррачалар ўлчами, мм	Хомашё массасига нисбатан, экстрактив моддаларнинг чиқиш унуми, %
1	1:5	$9,63 \pm 0,04$	<b>0,2-0,5</b>	<b><math>10,99 \pm 0,02</math></b>
2	1:15	$9,93 \pm 0,01$	0,5-1	$10,22 \pm 0,08$
<b>3</b>	<b>1:10</b>	<b><math>10,85 \pm 0,06</math></b>	1-1,5	$9,81 \pm 0,06$

Олинган натижалар хом ашё ва эритувчи 1:15 нисбатда бўлганда экстрактив моддаларнинг чиқиш унуми юқори эканлигини кўрсатди. Экстракция вақти 1:10 гидромодулда 5 соат давомида экстракциялаш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Юқорида келтирилган 2-3 жадвал натижаларини умумлаштириб, *Silybum marianum* L. уруғларидан мацерация усулида экстракт олишда 0,2-0,5 мм катталикдаги хомашёдан 70% ли этил спирти ёрдамида 1:10 нисбатдаги гидромодульда, 5 соат давомида экстракция қилиш мўътадил эканлиги белгиланди.

*Silybum marianum* L. уруғларидан мацерация усулида экстракт олиш технологияси ишлаб чиқилганидан сўнг анъанавий усулни самарадорлигини баҳолаш учун, хомашёдан замонавий ультратовуш ёрдамида ҳам экстракт олиш технологияси ишлаб чиқилди.

*Silybum marianum* L. ўсимлиги уруғидан ультратовуш ёрдамида курук экстракт олиш учун тайёрланган хомашёдан асосий экстрактив моддалар - флаволигнанларни ультратовуш таъсиридан фойдаланиб, эритувчилар ва вақтни энг паст сарф қилган ҳолда юқори даражада ажратиб олишни таъминлашдир.

*Silybum marianum* L. ўсимлиги уруғларининг экстракцияси турли концентрацияли ажратувчи 80%, 60%, 40% ли этил спиртларида олиб борилди. Ультратовуш ёрдамида этил спирт концентрациясининг экстрактив моддалар ҳамда флаволигнанларнинг чиқиш унумига таъсири тажрибаларда ўрганилди ва олинган натижалар 4-жадвалди келтирилди.

**Ультратовуш ёрдамида экстракция қилинганда этил спирт  
концентрациясининг экстрактив моддалар ҳамда флаволигнанларнинг  
чиқиш унумига таъсирини ўрганиш натижалари**

Этил спирти концентрацияси, (%)	Хомашё массасига нисбатан, экстрактив моддаларнинг чиқиш унуми, %	Хомашёдаги флаволигнанларнинг чиқиш унуми, (%)
40	10,01 ± 0,02	84,25 ± 0,11
<b>60</b>	<b>11,34 ± 0,01</b>	<b>96,23 ± 0,12</b>
80	10,93 ± 0,07	90,07 ± 0,04

4-жадвал натижалари *Silybum marianum L.* хомашёсидан экстрактив моддалар 60% ли этил спиртида ажралиб чиқиши юқори бўлганини кўрсатди.

Ультратовуш ёрдамида хомашё таркибидаги экстрактив моддаларнинг чиқиш унумига ҳароратнинг таъсири ўрганилди ва олинган натижаларни шуни кўрсатдики, ҳарорат 30<sup>0</sup>С да хомашё массасига нисбатан экстрактив моддаларнинг чиқиш унуми 10,12 ± 0,01%, 40<sup>0</sup>С да 11,26 ± 0,04%, 50<sup>0</sup>С да 10,53 ± 0,07% ни ташкил этди. Ушбу натижалар замонавий ультратовушли экстракция учун мўътадил ҳарорат 40 °С ни ташкил қилганини кўрсатди.

Ультратовуш ёрдамида экстракциялашда экстрактив моддаларнинг чиқиш унумига вақтнинг таъсири ўрганилди. Натижалар 5 - жадвалда келтирилди.

**Ультратовуш ёрдамида экстракция қилинганда экстрактив  
моддаларнинг чиқиш унумига экстракция вақтнинг таъсирини ва  
гидромодулни ўрганиш натижалари**

Вақт, (дақиқа)	Хомашё массасига нисбатан, экстрактив моддаларнинг чиқиш унуми, %	Гидромодуль	Хомашё массасига нисбатан, экстрактив моддаларнинг чиқиш унуми, %
20	10,31 ± 0,02	1:3	9,54 ± 0,03
<b>30</b>	<b>11,33 ± 0,04</b>	<b>1:5</b>	<b>11,41 ± 0,02</b>
40	10,62 ± 0,05	1:7	10,83 ± 0,12

Энг юқори чиқиш унумидорликка 30 минутлик экстракция вақти билан эришилди.

Шунингдек, хомашёнинг эритувчига нисбатида экстрактив моддаларнинг чиқиш унумига таъсири ўрганилиб (5-жадвал) тажриба натижаларига биноан хом ашёнинг эритувчига оптимал нисбати 1:5 га тенг.


Кейинги тажрибаларда хом ашёнинг майдалилик даражасининг экстрактив моддаларнинг чиқиш унумига таъсири ўрганилди. Бунда хом ашё заррачаларининг катталиги 0,2 мм бўлганда экстрактив моддаларнинг чиқиш унуми 11,45 ± 0,02% ни, 0,5 мм да 10,98 ± 0,11% ни, 1 мм да эса 9,81 ± 0,17% ни

ташкил этди. Янада майда заррачалар (0,25–0,5 мм) экстрактив моддаларнинг энг юкори чиқиш унумини беради.


Мацерация ва ультратовуш экстракцияси усулларида олинган *Silybum marianum* L. куруқ экстрактлари таркибида флаволигнанлар миқдорини ЮССХ усулида тахлил қилинди.

*Silybum marianum* L. куруқ экстракти таркибида флаволигнанлар (силимарин, силибинин А, силибинин Б) миқдорини ЮССХ да тахлил қилинди.


Намуналар таркибидаги биологик фаол моддаларни аниқлаш “Agilent 1260 series” даги юкори самарали суюқлик хроматографияси ускунасида 5 мкм, 4,6 x250 мм ўлчамдаги Agilent C<sub>18</sub> колонкасида амалга оширилди.



3-расм. Хомашёнинг 288 нм тўлқин узунлигидаги хроматограммаси



4-расм. Мацерация усули ёрдамида олинган куруқ экстрактнинг хроматограммаси



**5-расм. Ультратовушли экстракциялаш усули ёрдамида олинган куруқ экстрактнинг хроматограммаси**

Маҳсулотлар таркибидаги флаволигнанлар (силимарин, силибинин А, силибинин Б) миқдорини ўрганиш ЮССХ-DAD ускунасида амалга оширилди ва хомашё таркибида силимарин (силибинин А ва силибинин Б) га нисбатан флаволигнанлар миқдори 2,92 %, мацерация усули ёрдамида олинган куруқ экстракт таркибида силимарин (силибинин А ва силибинин Б) га нисбатан флаволигнан миқдори 29,62 %, ультратовуш ёрдамида олинган куруқ экстракт таркибида силимарин (силибинин А ва силибинин Б) га нисбатан флаволигнан миқдори 31,86 %, эканлиги аниқланди.

Экстракциялаш жараёнида мацерация ва ультратовушли экстракция усуллари бир-бири билан солиштирилди.

*Silybum marianum L.* ўсимлиги уруғларини мацерация усулида экстракция қилинганда экстрактив моддаларнинг энг юқори чиқиш унумига этил спирт концентрацияси 70%, ҳарорат 50°C, гидромодуль 1:10 ва экстракция вақти 3 соат бўлганда эришилди. Экстрактив моддаларнинг чиқиш унуми 11,0 % ни ташкил этди.

Ультратовушли экстракцияда флаволигнанларнинг юқори чиқиш унумига, этил спирт концентрацияси 60%, ҳарорат 40°C, гидромодуль 1:5 ва экстракция вақти 30 дақиқада эришилди. Экстрактив моддаларнинг чиқиш унуми 11,5% ни ташкил этди.

Юқоридагиларни инобатга олиб кейинги тажрибаларда ультратовуш ёрдамида олинган куруқ экстрактдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб белгиланди.

Ишлаб чиқилган технология бўйича *Silybum marianum L.* ўсимлиги уруғларидан олинган куруқ экстрактнинг асосий технологик кўрсаткичлари сочилувчанлик, сочилувчан зичлик, сараланиш таркиби, тахтакачланиши, қолдиқ намлиги ўрганилди.

*Silybum marianum L.* ўсимлиги уруғларидан олинган куруқ экстрактнинг физик кимёвий ва технологик хоссаларини аниқлаш натижалари 6-жадвалда келтирилди.

***Silybum marianum* L. ўсимлиги уруғларидан олинган қурук экстрактнинг физик кимёвий ва технологик хоссаларини аниқлаш натижалари**

№	Ўрганилган кўрсаткичлар	Ўлчов бирликлари	Олинган натижалар
1.	Ташқи кўриниши	визуал	оч жигаррангли, ўзига хос хидли, аччиқ таъмли гигроскопик кукун
2.	Сараланиш таркиби: +1000 -1000 +500 -500 +250 -250 +100 -100	мкм, %	28,01 ± 0,08 42,02 ± 0,06 16,04 ± 0,02 9,03 ± 0,04 4,90 ± 0,03
3.	Сочилувчанлик	кг/с 10 <sup>-3</sup>	3.90
4.	Табиий оғиш бурчаги	град.	55.60
5.	Сочилувчан зичлик	кг/м <sup>3</sup>	445,01
6.	Зичланиш коэффициенти	К	4.06
7.	Қолдиқ намлик	%	4.8

Жадвалда келтирилган натижалар олинган қурук экстрактнинг технологик хоссалари қониқарсиз эканлигини кўрсатди ва келгусида ушбу қурук экстрактдан дори шакллари олишда унинг хоссаларини яхшилаш учун ёрдамчи моддалар қўшилишини талаб этилишини кўрсатди.

Тадқиқотлар давомида гепатопротектор таъсирга эга биологик фаол қўшимчамиз таркибига кирувчи қора мурч (*piper nigrum*) хомашёсидан экстракт олиш технологяси ишлаб чиқилди.

Қора мурчдан олинган қурук экстрактнинг физик кимёвий ва технологик хоссалари ўрганилди. Ўрганиш натижалари 7-жадвалда келтирилди.

7-жадвал

**Қора мурчдан олинган қурук экстрактнинг физик кимёвий ва технологик хоссаларини аниқлаш натижалари**

№	Ўрганилган кўрсаткичлар	Ўлчов бирликлари	Олинган натижалар
1.	Ташқи кўриниши	визуал	оч жигаррангли
2.	Сараланиш таркиби: +1000 -1000 +500 -500 +250 -250 +100 -100	мкм, %	- - 51,09± 1,06 48,91 ± 0,78 -
3.	Сочилувчан зичлик	кг/с 10 <sup>-3</sup>	448,03±1,10
4.	Сочилувчанлик	кг/м <sup>3</sup>	4,20±1,08
5.	Табиий оғиш бурчаги	град.	34,80 ± 1,96
6.	Қолдиқ намлик	%	4,11±1,85

Сув-спиртли экстракция кора мурчинг асосий алкалоиди бўлган пиперинни ажратиш олиш учун этанолнинг сувдаги эритмасидан фойдаланиб амалга оширилди. Экстракция мацерация усулида олиб борилди. Олинган курук экстракт оч кора рангли, аччиқ таъмли, ўзига хос хидли, гигроскопик кукун. Курук экстрактнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари аниқланди.

Тажрибалар давомида олинган курук экстрактлар асосида “GEPO НИИВС” капсула технологияси ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг “GEPO НИИВС” капсула технологиясини яратиш” деб номланган тўртинчи боби илмий асосланган, учинчи бобда келтирилган технология бўйича олинган *Silybum marianum L.* ва кора мурч курук экстрактлари, зарчава ҳамда арпабодиён доривор ўсимлик хом ашёлари асосида капсуланинг рационал таркиби ва мўътадил технологиясини ишлаб чиқишга бағишланган.

Маълумки, доривор ўсимликларнинг сувли-спирт ажратмаларидан олинган курук экстрактлар гигроскопик хусусиятга эга. Шунинг учун курук экстрактнинг технологик хоссаларини яхшилаш мақсадида унга турли хилдаги тўлдирувчи, ғовакловчи ва антифрикцион моддалар гуруҳига мансуб моддаларни қўшиб, нам дондорлаш усулида 20 га яқин таркиблар тайёрланди ва улардан технологик хоссалари энг мақбул кўрсаткичларга эга бўлган 5 та таркиб танлаб олинди.

Арпабодиён, зарчава хом ашёларининг фармакотехнологик хоссалари ўрганилди ва натижалари 8-жадвалда келтирилди.

8– жадвал

**Арпабодиён, зарчава хом ашёларининг фармакотехнологик хоссаларини ўрганиш натижалари**

№	Технологик кўрсаткичлар ва ўлчов бирлиги	Хом ашёлар номи	
		Арпабодиён	Зарчава
1	Фракцион таркиб, мкм +1000	-	-
	-1000 + 500	72,01 ± 0,78	69,91 ± 2,08
	- 500 + 250	11,03 ± 1,06	20,32 ± 1,12
	-250 + 100	13,05 ± 2,01	9,33 ± 0,78
	- 100	3,91 ± 1,54	0,52 ± 1,08
2	Сочилувчан зичлик, кг/м <sup>3</sup>	325 ± 0,34	280 ± 0,46
3	Сочилувчанлик, 10 <sup>-3</sup> кг/с	5,05 ± 1,22	8,10 ± 0,88
4	Табиий оғиш бурчаги, °С	37,42 ± 1,65	35,73 ± 1,90
5	Қолдиқ намлиги (70 °С), %	6,45 ± 1,05	6,10 ± 1,31

Тайёр маҳсулот сифатини белгилашда капсулага солинадиган массанинг физик-кимёвий ҳамда технологик хоссаларини ўрганиш, қўлланиладиган ёрдамчи моддалар тури ва миқдорини илмий асосда танлаш муҳим аҳамият касб этади.

Капсуланинг таркиби ва технологиясини илмий асослаш мақсадида доривор ўсимликлар ҳамда курук экстрактлар кукунни аралашмасини технологик хоссалари: фракцион таркиб, сочилувчан зичлик, сочилувчанлик, табиий оғиш бурчаги, қолдиқ намлиги каби фармакотехнологик кўрсаткичлари тегишли адабиётларда келтирилган усуллар бўйича ўрганилди. Натижалари 9-жадвалда

келтирилди.

9 – жадвал

**Капсула массасининг фармакотехнологик хоссалари бўйича олинган  
натижалар**

№	Аниқланаётган кўрсаткичлар, ўлчов бирлиги	Олинган натижалар
1	Фракцион таркиб, мкм +1000 -1000 + 500 - 500 + 250 -250 + 100 - 100	- 26,63 ± 1,42 57,72 ± 3,08 13,79 ± 2,12 1,86 ± 3,06
2	Сочилувчан зичлик, кг/м <sup>3</sup>	464 ± 1,49
3	Сочилувчанлик, ·10 <sup>-3</sup> кг/с	3,31 ± 2,11
4	Табийий оғиш бурчаги, градус	50,21 ± 2,63
5	Қолдиқ намлик, %	5,20 ± 0,58

Жадвалда келтирилган натижалар олинган капсуланинг технологик хоссалари қониқарсиз эканлигини кўрсатди. Шунинг учун унга ёрдамчи моддалар қўшишни тақозо этди.

Бу ўрганилаётган капсула массаси “GEPO НИИВС” деб номланди. “GEPO НИИВС” капсуласининг таклиф этилаётган таркиблари 10- жадвалда келтирилди.

10 – жадвал

**“GEPO НИИВС” капсуласининг таклиф этилаётган таркиблари  
кейинги жадвалда келтирилди**

№	Ингредиентлар	Таркиблар, мг				
		T-1	T-2	T-3	T-4	T-5
1	<i>Silybum marianum L.</i> куруқ экстракти	210	210	210	210	<b>210</b>
	Қора мурч куруқ экстракти	10	10	10	10	<b>10</b>
	Зарчава	80	80	80	80	<b>80</b>
	Арпабодиён	100	100	100	100	<b>100</b>
	<b>Ўргача масса</b>	<b>400</b>	<b>400</b>	<b>400</b>	<b>400</b>	<b>400</b>
2	Микрокристаллик целлюлоза		55	30	20	<b>90</b>
3	Аэросил				10	<b>5</b>
4	Лактоза моногидрат	90		30		
5	Картошка крахмали	5	45		65	
6	Маккажўхори крахмали			35		
7	Кальций стеарат	5	5	5	5	<b>5</b>
	<b>Умумий масса</b>	<b>500</b>	<b>500</b>	<b>500</b>	<b>500</b>	<b>500</b>

Мўътадил таркибни танлаш мақсадида таркибларнинг технологик хоссалари ўрганилди. Натижалар 11-жадвалда келтирилди.

**Мўътадил таркибни танлаш мақсадида таркибларнинг технологик хоссалари ўрганилди**

Т /р	Аниқланаётган кўрсаткичлар, ўлчов бирлиги	Ўлч. бирл	Олинган натижалар				
			T-1	T-2	T-3	T-4	T-5
1	Фракцион таркиб, мкм	%					
	+1000		-	52,21±0,09	42,01±0,01	-	-
	-1000 + 500		0,61±0,04	23,73±0,07	25,52±0,02	1,11±0,12	<b>28,42±0,12</b>
	- 500 + 250		27,82±0,22	21,11±0,04	20,64±0,03	28,03±0,16	<b>37,33±0,15</b>
	-250 + 100		52,94±0,12	1,82±0,03	9,53±0,05	44,51±0,04	<b>33,14±0,11</b>
- 100	18,73±0,05	1,21±0,02	2,42±0,02	26,42±0,08	<b>1,11±0,22</b>		
2	Сочилувчанлик	г/с	3,92±0,02	5,65±0,08	5,73±0,03	4,11±0,01	<b>6,23±0,01</b>
3	Сочилувчан зичлик	кг/м <sup>3</sup>	515±0,05	583±0,06	578±0,01	405±0,04	<b>606±0,02</b>
4	Табиий оғиш бурчаги	градус	42±0,03	46±0,07	39±0,09	40±0,07	<b>31±0,06</b>
5	Қолдиқ намлик	%	5,22±0,01	6,43±0,05	6,10±0,07	5,51±0,08	<b>4,51±0,05</b>

Энди аралашманинг технологик хусусиятлари яхшиланиб, барқарор ва сочилувчан массага эга бўлганидан сўнг, капсулалаш жараёнини ишлаб чиқишга ўтилди. Технологиянинг асосий босқичлари аралашмани тайёрлаш, капсулалаш ва тайёр капсулаларни қадоклашдан иборат.

Фаол моддалар (*Silybum marianum L.* ва қора мурч курук экстрактлари, майдаланган ўсимликлар зарчава, арпабодиён,) ва ёрдамчи моддалар (микрочисталлик целлюлоза, кремний диоксиди, магний стеарати) алоҳида-алоҳида эланди. Элашдан сўнг барча таркибларнинг белгиланган стандартларга мувофиқлиги текширилди. Асосий эътибор ташқи кўринишга, бир хилликка ва бегона заррачаларнинг йўқлигига қаратилди, сўнгра аралаштирилди.

Аралаштириш - аралашманинг бир хиллигига эришиш учун уч босқичда амалга оширилади:

1. Биринчи навбатда таркиблар (қушқўнмас ва қора мурч курук экстрактлари, майдаланган зарчава ва арпабодиён кукунлари) аралаштирилди.

2. Сўнгра МКЦ қўшилди, у тўлдирувчи вазифасини бажаради ва сочилувчанликни яхшилайди. Аралаштириш МКЦ бир текис тақсимлангунга қадар давом эттирилди.

3. Охирида кремний диоксиди ва магний стеарат қўшилди, улар аралашманинг ёпишиб қолишини олдини олишга ёрдам беради ва капсулалаш жараёнида массанинг силлиқ ҳаракатини таъминлайди.

Аралашманинг сифатини назорат қилиш учун ҳар бир босқичда намуналар олинди, улар ташқи кўриниши ва таркибларнинг микдорий таркиби бўйича бир хиллиги текширилди. “GEPO НИИВС” капсулалари учун мос ўлчамдаги капсула танланди. Бунинг учун тақлиф этилаётган таркиб учун қаттиқ желатина капсула қобиғи ўлчами мос бўлишини аниқлаш учун тажрибалар ўтказилди. Капсулаланадиган массанинг сочилувчан зичлигидан келиб чиқиб 0,606 см<sup>3</sup> ва масса 500 мг ёки 0,5 г эканлигини ҳисобга олиб, керакли капсула ҳажми

танланди. Капсула ҳажми  $0,825 \text{ см}^3$ . Ҳисоблаш натижалари 12-жадвалда келтирилди.

12 – жадвал

**“ГЕРО НИИВС” капсуласи учун керакли ўлчамдаги капсула танлаш.**

Капсула ўлчами	Капсула сифимининг ҳажми	$0,6 \text{ г/см}^3$ учун тахминий сифим
000	1,37	~820 мг
00	0,95	~570 мг
0	0,68	~410 мг
1	0,50	~300 мг

Демак,  $0,606 \text{ г/см}^3$  зичлик массасидан келиб чиқиб  $0,825 \text{ см}^3$  ҳажми эгаллар экан.

$0,5 \text{ г}$  массани сифдириш учун 00 ўлчамли капсула ( $\sim 0,95 \text{ см}^3$ ) керак экан. Бу капсула 570 мг гача массани сифдиради. Капсула 85-90% гача тўлдирилади.

Капсула сифатида №00 ўлчамли қаттиқ желатин капсулалари танланди. Ушбу капсула ҳажми тахминан 500 мг аралашмани ўз ичига олади, бу фаол моддалар ва ёрдамчи моддаларнинг умумий оғирлигига тўғри келади.

Диссертациянинг **“ГЕРО НИИВС фиточой технологиясини ишлаб чиқиш”** номли бешинчи бобида *Silybum marianum L.* ўсимлиги уруғларидан олинган курук экстракт асосида фиточой технологияси ишлаб чиқилди.

Фиточойни ишлаб чиқишда хомашёларнинг майдалилик даражаси ҳамда унинг технологик хоссалари ўрганилди. Хомашёларнинг сув шимиш коэффициентлари, солиштирма оғирликлари, ҳажмий массалари, сочилувчан массалари, хомашё зарралари ичидаги ғоваклилиги, хомашёларнинг зарралари орасидаги ғоваклиликлари, хомашёлар қатламларининг эркин ҳажми каби кўрсаткичлари бўйича таҳлиллари олиб борилди. Олинган натижалар 13-жадвалда келтирилди.

13– жадвал

**Майдаланган доривор ўсимликлар *Silybum marianum L.* ўсимлиги ер устки қисми, наъматак меваси, бўзноч гуллари, маккажўхори попуғи хомашёларининг технологик хоссаларини аниқлаш натижалари**

№	Технологик кўрсаткич	Хомашёнинг майдалик даражаси		
		5-7 мм	3-5 мм	1-2 мм
1.	Солиштирма оғирлик, $\text{г/ см}^3$	$0,58 \pm 0,05$	$0,61 \pm 0,03$	$0,62 \pm 0,06$
2.	Ҳажмий масса, $\text{г/см}^3$	$0,45 \pm 0,04$	$0,46 \pm 0,02$	$0,47 \pm 0,05$
3.	Сочилувчан масса, $\text{г/см}^3$	$0,16 \pm 0,02$	$0,18 \pm 0,01$	$0,20 \pm 0,02$
4.	Хомашё зарралари ичидаги ғоваклилик, $\text{г/см}^3$	$0,26 \pm 0,03$	$0,25 \pm 0,02$	$0,23 \pm 0,03$
5.	Хомашё зарралари орасидаги ғоваклилик, $\text{г/см}^3$	$0,60 \pm 0,04$	$0,56 \pm 0,03$	$0,55 \pm 0,02$
6.	Хомашё қатламининг эркин ҳажми, $\text{г/см}^3$	$0,68 \pm 0,02$	$0,66 \pm 0,02$	$0,65 \pm 0,02$

Жадвал натижаларига кўра хомашёнинг майдалик даражаси ангро кадок учун 3-5 мм, фильтр пакетчали фиточой учун 1-2 мм ўлчам мақбул эканлигини

кўрсатди.

“GEPO НИИВС” фиточой асосини ташкил қилувчи майдаланган доривор ўсимликлар *Silybum marianum L.* ўсимлиги ер устки қисми, наъматак меваси, бўзноч гуллари, маккажўхори попуги ўсимликларини тарғунлигини аниқлаш ГФ XIV, ОФС.1.1.0009.18 “Дори воситаларининг турғунлиги ва сақлаш муддати” кўрсатмасига кўра  $20\pm 2$  °C хароратда, намлик  $60\pm 5$  бўлган шароитда олиб борилди. Фиточойнинг турғунлиги табиий эскиртириш усулида ўрганилди. GEPO НИИВС чойи ДСТ 33772-2016 га кўра қоғозли чой кадокларда кадокланган ҳолатда 27 ой давомида сақланди. Намуна ҳар 3 ой давомида ташқи кўриниши, чинлиги, микробиологик тозаллиги, таъсир этувчи модданинг миқдори каби кўрсаткичлари бўйича таҳлил қилинди. Маълумотга кўра синов муддати давомида майдаланган доривор ўсимликлар *Silybum marianum L.* ўсимлиги ер устки қисми, наъматак меваси, бўзноч гуллари, маккажўхори попуги хомашёларининг сифат кўрсаткичлари МХ талабларига жавоб берди. Олинган натижаларга кўра МХ тузишда фойдаланилди, ҳамда сақланиш муддати 2 йил деб белгиланди.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Курук экстракт олишнинг мўътадил технологияси ишлаб чиқилди: (мацерация, ультратовуш ёрдамида - экстрагент таъсири, экстракция харорати, экстракциялаш вақти, гидромодуль, майдал илик даражаси).

2. *Silybum marianum L.* ўсимлиги уруғидан олинган курук экстракт асосида “GEPO НИИВС” капсуласи учун мўътадил таркибни танланди ва технологияси ишлаб чиқилди.

3. *Silybum marianum L.* ўсимлиги ер устки қисмидан ва майдаланган доривор ўсимлик хом ашёлари иштирокида “GEPO НИИВС” фиточой технологияси ишлаб чиқилди.

4. Ишлаб чиқилган “GEPO НИИВС” биологик фаол кўшимча капсуласи фармакологик фаоллиги ўрганилди ва юқори биосамарадорликка эга эканлиги исботланди.

5. Таклиф этилаётган “GEPO НИИВС” капсуласи ва “GEPO НИИВС” фиточой биологик фаол кўшимчаларининг сақлаш шароитлари ва яроқлилик муддатлари белгиланди.

6. “GEPO НИИВС” капсуласи ва “GEPO НИИВС” фиточой шаклидаги биологик фаол кўшимчалар Тошкент вакцина ва зардоблар илмий- тадқиқот институтидаги ишлаб чиқариш комплексида синовдан ўтказилди. Ушбу “GEPO НИИВС” капсуласи (ТИ 018979371-009:2024) ва “GEPO НИИВС” фиточойи (ТИ 018979371-010:2024) биологик фаол кўшимчаларига Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси орқали Технологик йўриқнома тасдиқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.09.2022.Far.134.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
НАУЧНО- ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ВАКЦИН И  
СЫВОРОТОК**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ  
ВАКЦИН И СЫВОРОТОК**

**ЭШМУРАТОВ ЗАЙНИДДИН НОРБОЕВИЧ**

**ВЫБОР СОСТАВА И РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ  
ГЕПАТОПРОТЕКТОРНОЙ БИОАКТИВНОЙ ДОБАВКИ НА ОСНОВЕ  
*SILYBUM MARIANUM L.***

**15.00.01 - Технология лекарств**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2025**

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2023.2.PhD/Far106.

Диссертация выполнена в Ташкентском научно-исследовательском институте вакцин и сывороток.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-сайте Научного совета ([www.toshvziti.uz](http://www.toshvziti.uz)) и Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** Камиллов Хусан Масудович  
доктор фармацевтических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Халилова Равшанжона Муратджоновича  
доктор технических наук, ведущий научный сотрудник  
Зуларова Зулфия Ахрор кизи  
доктор фармацевтических наук, доцент

**Ведущая организация:** Узбекский научно-исследовательский институт химии  
и фармацевтики имени академика А. Султанова

Защита диссертации состоится "30 сент 2023" 2025 г. в 14:00 часов при Ташкентском научно-исследовательском институте вакцин и сывороток, Dsc.04/30.09.2022.Far.134.01 на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.04/30.09.2022.Far.134.01 по присуждению ученых степеней при Кабинете Министров Республики Узбекистан. (Адрес: 100084, г. Ташкент, Юнусабадский район, улица Чингиза Айтматова, дом 1<sup>а</sup>. Тел.: (+99871) 234-77-97; факс: (+99871) 234-59-87; e-mail: [tashrivs@umail.uz](mailto:tashrivs@umail.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского научно-исследовательского института вакцин и сывороток (зарегистрирована под № 5). Адрес: 100084, г. Ташкент, Юнусабадский район, улица Чингиза Айтматова, дом 1а. Тел.: (+99871) 234-77-97.

Автореферат диссертации разослан "15 сент 2023" 2025 г.  
(реестр протокола рассылки № 5 от "15 сент 2023" 2025 г.).



  
У.Х. Усмонов  
Зам. председатель научного  
совета по пресуждению ученых  
степеней д.ф.н., профессор

  
А.А. Ашуров  
Ученый секретарь научного  
совета по присуждению ученых  
степеней, к.ф.н., старший  
научный сотрудник

  
Х.Р. Тухтаев  
Председатель научного  
семинара при научном совете  
по присуждени ученых  
степеней, д.ф.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** По данным всемирной организации здравоохранения, 3,5% населения Земли страдает циррозом печени, гепатитом и жировой дистрофией. Алкоголь, бесконтрольное употребление различных лекарств, неправильное питание, негативная экологическая ситуация в окружающей среде и другие факторы вызывают различные заболевания печени человека, которые, в свою очередь, требуют эффективных методов лечения и профилактики. Гепатопротекторные препараты играют важную роль в сохранении функции печени и восстановлении ее структурных и метаболических нарушений.

В настоящее время на фоне растущего интереса к натуральным средствам растительного происхождения особое внимание уделяется разработке новых лекарственных средств и биологически активных добавок с гепатопротекторным действием. Следует отметить, что семена лекарственного растения *Silybum marianum* L., обладающего гепатопротекторной активностью, давно используются в традиционной медицине, и особое внимание уделяется комплексу флавоноидов - силимарину, обладающему значительными гепатопротекторными свойствами.

В нашей республике достигнуты определенные результаты по развитию фармацевтической промышленности, разработке высокоэффективных лекарственных средств, используемых при лечении заболеваний печени. На основе местного лекарственного растительного сырья, используя инновационные технологии разработаны высокоэффективные, импортозамещающие и экспортоориентированные лекарственного средства для лечения заболеваний печени. В третьем направлении стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы определены такие актуальные задачи, как "Увеличение объема производства продукции фармацевтической промышленности в 3 раза и доведение уровня обеспечения местного рынка до 80 процентов"<sup>1</sup>. В связи с этим важно добиться увеличения сырьевой базы за счет создания плантаций лекарственных растений, дальнейшего развития фармацевтической промышленности, разработки инновационных технологий новых эффективных фитопрепаратов, создания высокоактивных, безвредных, доступных лекарственных средств и биологически активных добавок.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-4310 от 6 мая 2019 года "О мерах по дальнейшему развитию системы медицинского и фармацевтического образования и науки,<sup>1</sup> " № ПП-4554 от 30 декабря 2019 года "О дополнительных мерах по углублению реформ в фармацевтической отрасли Республики Узбекистан,<sup>2</sup> " № ПП-4670 от 10 апреля 2020 года "О мерах по

---

<sup>1</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан, от 06.05.2019 г. № ПП-4310 "О мерах по дальнейшему развитию системы медицинского и фармацевтического образования и науки"

<sup>2</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан, от 30.12.2019 г. № ПП-4554 "О дополнительных мерах по углублению реформ в фармацевтической отрасли Республики Узбекистан"

охране, культурному выращиванию, переработке дикорастущих лекарственных растений и рациональному использованию имеющихся ресурсов,<sup>3</sup> " Указе Президента Республики Узбекистан №УП-55 от 21 января 2022 года "О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2022-2026 годах"<sup>4</sup> и других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

